



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2020 йил 8 апрель, № 72 (7574) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АБУ ДАБИ ВАЛИАҲДИ, БАА ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ОЛИЙ БОШ ҚЎМОНДОНИ ЎРИНБОСАРИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 апрель куни Абу Даби Амирлиги валиаҳди, Бирлашган Араб Амирликлари Қуролли кучлари Олий бош қўмондони ўринбосари Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбатда Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликлари ўртасидаги кўп қиррали муносабатларга доир долзарб масалалар, шунингдек, амалий ҳамкорликни савдо-иқтисодий, инвестиция, банк-молия, ёқилги-энергетика, транспорт-коммуникация ва бошқа устувор соҳаларда янада кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Коронавирус инфекциясининг тарқалишига йўл қўймаслик ва ушбу глобал хатарга қарши самарали курашиш борасида мамлакатларимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари пандемия оқибатларини енгиб ўтишда кўрсатилган кўмак учун Бирлашган Араб Амирликлари раҳбариятига миннатдорлик билдирди. Коронавирус тарқалишининг икки томонлама ҳамкорлик суръатига, шу жумладан, бугунги кунда БААнинг етакчи компания ва банклари иштирокида саннат, инфратузилма, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларда амалга оширилаётган истиқболли лойиҳаларга салбий таъсирини камайтириш мақсадида ҳаракатларни яқиндан мувофиқлаштиришни давом эттириш муҳим экани таъкидланди.

Турли даражаларда биргалликдаги саъй-ҳаракатларни фол мувофиқлаштириш лозимлиги қайд этилди. Томонлар, шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И ТИББИЙ-САНИТАРИЯ СОҲАСИДА КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА УЗЛУКСИЗ КАСБИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУТЛАҚО ЯНГИ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Тиббий-санитария ходимларини касбий ривожлантириш тизимини яхшилаш, соҳада етуқ ва чуқур билимга эга кадрларни замонавий таълим стандартлари асосида тайёрлаш, тиббиёт ташкилотлари, айниқса, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларини профессионал мутахассислар билан таъминлаш, тиббиёт таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг мавқеини ошириш, шунингдек, 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб 1-иловага мувофиқ 47 та тиббиёт коллежини **Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари эйти қайта ташкил этиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда **Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари фаолиятини самарали ташкил қилиш бўйича қўйидагиларни назарда тутувчи Комплекс дастури** ишлаб чиқсин ва тасдиқласин ҳамда унинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишини таъминласин:

Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумларининг мод-

дий-техник базасини янада кучайтириш, амалиёт хоналарини белгиланган нормативларга асосан жиҳозлаш, ўқув-симуляцион аудиторияларни ташкил этиш;

валеология, тиббий психология, нутрициология, диетология, фармакология, кинезиология, реабилитология, профпатология фанларининг чуқурлаштирилган ҳолда ўқитилишини жорий этиш ҳамда мазкур техникумларнинг ўқув режалари ва фан дастурларини илгор хорижий тажрибалар асосида ишлаб чиқиш;

тиббиёт олий таълим муассасаларининг юқори малакали профессор-ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумларида масофавий таълим орқали дарс машғулотларини ўтказиш.

2. Маълумот учун қабул қилинсинки, Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумларини:

муваффақиятли тамомлаган битирувчилар ўз соҳасига мос тиббиёт олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналишлари бўйича **кириш имтиҳонларисиз яқна тартибдаги сўхбат орқали олий таълим муассасаларида 2-курсдан ўқишини давом эттириш ҳуқуқига эга бўлади;**

жорий сақлаш, фаолият юритиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва кадрлар тайёрлаш харажатлари **Вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари, ўқувчиларни давлат буюртмаси ва тўлов-контракт**

асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

3. Белгилансинки, 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб:

а) тиббиёт олий таълим муассасаларининг даволаш (амалиёт) ишлари проректорлари (директор ўринбосарлари) бир вақтнинг ўзида ушбу олий таълим муассаса клиникаларининг бош шифокорлари ҳисобланади;

б) тиббиёт олий таълим муассасаларида:

бакалавриат таълим йўналишлари, магистратура ва клиник ординатура (резидентура) мутахассислари ўқув режаларидаги мутахассисликка оид бўлмаган фанлар **улуши 2 баробарга қисқартирилади;**

клиник ординатурага (резидентурага) мақсадли қабул қилинган талабаларнинг битирув курсини **вилоят даражасидаги тиббиёт муассасаларида ташкил этиш тизими** йўлга қўйилади;

в) худудларнинг шифокорларга бўлган эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда тиббиёт олий таълим муассасалари бакалавриатнинг **“Даволаш иши”, “Педиатрия иши” ва “Касбий таълим (даволаш иши)” таълим йўналишлари** бўйича давлат гранти асосида ўқишга қабул курсаткичлари доирасидаги мақсадли қабул параметрлари туман (шаҳар)лар кесимида шакллантирилади;

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ «Метрология тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 12 ноябрда қабул қилинган Сенат томонидан 2020 йил 28 февралда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «Метрология тўғрисида»ги 1004-ХII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 2, 48-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 12, 343-модда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансин (илова қилинади).

2-модда. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президентини **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри, 2020 йил 7 апрель № ЎРҚ—614

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Метрология тўғрисида (янги таҳрири)

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади метрологияга оид фаолият соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Метрология тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Метрология тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг метрология тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади: **метрологияга оид фаолият** — ўлчашларнинг ягона бирлиқда бўлишини таъминлаш, ўлчаш услублари ва воситалари, шунингдек талаб қилинадиган аниқликка эришиш усуллари билан боғлиқ бўлган фаолият; **метрологик кузатиувчанлик** — ўлчаш натижасининг ҳужжатлаштирилган узлуksиз калибрлашлар кетма-кетлиги орқали эталонга боғлаш мумкин бўлган хоссаси; **метрологик экспертиса** — ўлчашларнинг ягона бирлиқда бўлиши билан боғлиқ метрологик талаблар, қоидалар ва нормаларни қўллаш тўғрисидаги ҳамда тўлиқлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш бўйича ташкилий-ҳуқуқий ишлар мажмуи;

синов воситаси — синовлар ўтказиш учун мўлжалланган, нормаланган техник тавсифлари бўлган техник қуролма, модда ва (ёки) материал; **стандарт намуна** — метрологик аттестация натижасида модда (материал)нинг хоссаси ёки таркибини тавсифлайдиган битта ёки ундан ортқ қийматлари аниқланган шу модда (материал) намунаси шаклидаги ўлчаш воситаси;

эталон — муайян катталик бирлигининг ўлчамини бошқа ўлчаш воситаларига ўтказиш мақсадида уни қайта ҳосил қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган ўлчаш воситаси;

ўлчашлар аниқлигининг кўрсаткичи — ўлчаш услубининг қўлланилаётган нормалари ва қоидаларига риоя этилганда олинган ўлчаш натижалари аниқлигининг белгиланган тавсифи;

ўлчашларни бажариш услуби — ўлчашларнинг бажарилишини ва уларнинг натижалари белгиланган аниқлик кўрсаткичлари билан олинишини таъминлайдиган операциялар ва қоидалар мажмуи;

ўлчаш воситаси — ўлчашлар учун фойдаланиладиган ва нормаланган метрологик хусусиятларга эга бўлган техника воситаси;

ўлчаш воситаларини калибрлаш — берилган шароитларда ўлчаш воситаси ёрдамида олинган катталик қиймати ва эталон билан қайта тикланадиган тегишли катталик қиймати ўртасидаги нисбатни аниқлаш орқали ўлчаш воситасининг метрологик тавсифларини аниқлаш мақсадида бажариладиган операциялар мажмуи;

(Давоми 2-бетда).

ДУНЁ НИГОҲИ «Халқ сўзи» учун махсус

Халқаро ҳамжамият Ўзбекистоннинг коронавирусга қарши курашиш бўйича тезкор чораларини қўллаб-қувватламоқда

Бугун дунёда янги турдаги касаллик — коронавирус кириб бормаган деярли бирор ҳудуд қолмади. Хар бир мамлакат бу кўзга кўринмас офатга қарши курашни изчил давом эттиряпти.

Ўз навбатида, мамлакатимизда бу офатнинг таъсирини юмшатиш ҳамда кенг тарқалишининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланиб, ижобий фикрлар билдирилмоқда. Халқаро ташкилотлар, ижтимоий-сиёсий доиралар вакиллари ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги мутахассислар Ўзбекистон раҳбарияти ва ҳукуматининг амалга ошираётган саъй-ҳаракатлари ўз вақтида баҳарлаётганини қайд этиш, бундай интилишлар фаоллаштириш мақсадида пандемиянинг мамлакат иқтисодиётига салбий таъсирини камайтиришда муҳим ўрин тутганини таъкидламоқда.



Хусусан, **Ислон ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ)нинг Европа Иттифоқидаги доимий вакили Исмаил Жаҳон** ташкилотга аъзо давлатларда эҳтимолий пандемия оқибатларидан хавотирда эканлигини билдирар экан, Ўзбекистоннинг ушбу эпидемияга қарши қатъиятли ҳаракатларини маъқуллади.

— Дунё, шубҳасиз, бугунги кунда ислоҳ қўрилмаган даврни бошдан кечирмоқда, бу миллий саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш учун минтақавий ва халқаро ҳамжамиятнинг кескин муносабатини талаб қилмоқда, — деди у.



Мамлакат ривожини қонун устуворлиги билан кафолатланади



Парламент ҳаёти

Жамият тараққиёти, мамлакат ривожини қонун устуворлиги билан кафолатланади. Хар қандай глобал шароитда, хар қандай вазиятда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, иқтисодий барқарорлиқни сақлаб қолиш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, ёш авлод таълим-тарбиясига янада жиддий эътибор қаратиш муҳим вазифалардан саналади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг кеча бўлиб ўтган ялпи мажлисида ушбу йўналишларнинг ҳуқуқий асосини тақомиллаштиришга оид бир қатор масалалар депутатлар томонидан атрофлича қўриб чиқилди ҳамда қизгин фикр-мулоҳазалар билдирилди.



Муносабат

Лоқайд ва бепарво бўлиш бизга умуман ярашмайди

Айни вақтда дунёдаги 200 дан ортқ давлатлар аҳолиси глобал пандемияга айланган улгурган коронавирус балосидан азият чекмоқда. Афсуски, у бизни ҳам четлаб ўтмади. Мавжуд вазиятдан келиб чиқиб Президентимиз ва Ҳукумат томонидан эпидемиологик хавфсизлигини таъминлаш мақсадида барча зарур чора-тадбирлар қўриляпти.

Давлатимиз раҳбари яқинда бўлиб ўтган видео-селектор йиғилишида халқимизга яна бир бор мурожаат қилар экан, қанча оғохлантириш ва тушунтириш ишларига қарамай, жойларда карантин қоидалари бузилаётганини афсус билан қайд этди. Хозиргача 22 мингдан зиёд ана шундай ҳолатлар аниқланди, 330 киши карантин ҳудудини ташлаб кетган. Карантин вақтида 24 та турли оммавий маросимлар

ўтказилганлигини оқлаб бўлмайди. Бутун халқимиз ҳаётга хавф солаётган бундай номаъқул ишларга нисбатан кескин чоралар қўриляпти.

Президент мурожаатида айрим давлатларда юқори гигиенага асосланган кундалик турмуш тарзи, миллий урф-одатлар бу кескинликни енгишда муҳим омил бўлаётгани ибрат сифатида кўрсатилди.



Халқ билан мулоқот

Депутатлар ўз сайловчиларига мурожаат билан чиқди

Инсоният тараққиётининг ҳозирги кунига қадр оламшумул ютуқларга эришди. Уларни бирма-бир санайверсак, адоғи тугамайди. Шунга қарамасдан, коронавирус деб аталган “кўриммас ёв”га қарши курашда охириклик қиялти, қийинчиликка дуч келмоқда. Пандемия қанотли иблис мисоли жадаллик билан дунёнинг тўрт томонига парвоз қилиб, минглаб одамларни зарарламоқда. Вазият кундан-кунга таранглашиб бораётгани ҳам сир эмас.

Ана шундай вазиятда юртимизда Президент ва Ҳукуматимиз томонидан ушбу балонинг йўлини тўсиш, аҳолини ундан самарали ҳимоя қилиш бўйича кенг қамровли саъй-ҳаракатлар олиб борилляпти. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари шу ҳаракатнинг олдинги сафларида туриб, “умум-ёв”га қарши биргалликда дадил курашга киришдилар.



КОРОНАВИРУС бўйича маълумот:

дунёда

2020 йил 7 апрель ҳолатига кўра, жами касалланганлар сони — **1 375 373** нафар, касалликдан тузалганлар сони — **297 036** нафар, вафот этганлар сони — **78 435** нафар.

Ўзбекистонда

2020 йил 8 апрель соат 00.35 ҳолатига кўра, касалланганлар сони — **520** нафар, тузалганлар **30** нафар, вафот этганлар **2** нафар.

УЙДА ҚОЛИНГ!

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТИББИЙ-САНИТАРИЯ СОҲАСИДА КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА УЗЛУКСИЗ КАСБИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУТЛАҚО ЯНГИ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

г) тиббиёт олий таълим муассасалари "Даволаш иши", "Педиатрия иши" ва "Касбий таълим (даволаш иши)" йўналишлари битирувчилари яшаш бўйича рўйхатга олинган жойдан қатъи назар, давлат гранти асосида мақсадли қабул параметрларида кўрсатилган туман (шаҳар)да камида 5 йил ишлаб бериш мажбурияти киритилади.

Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда мазкур банднинг "в" ва "г" кичик бандларида кўрсатилган тақлифларни амалга ошириш механизмларини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Вазирлик Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2020/2021 ўқув йилида тиббиёт олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинган давлат буюртмаси параметрларини шакллантиришда тиббиёт кадрларига эҳтиёж юқори бўлган ҳудудлар учун бакалаврият ва магистратурага давлат гранти асосида ўқишга мақсадли қабул параметрларини 50 фоизгача оширишни инобатга олсин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб:

а) таълим босқичидан қатъи назар, 2-иловага мувофиқ чет тилини билиш даражаси тўғрисидаги ҳалқаро сертификатга эга бўлган тиббиёт олий таълим муассасалари талабаларига (мутахассислик фанларни "қоникарли" баҳога ўзлаштираётган талабалардан ташқари) Талабаларни рағбатлантириш жағвармаси маблағлари ҳисобидан ҳар ойлик стипендияга базавий стипендия миқдоридан кўшимча тўлов амалга оширилади;

б) давлат тиббиёт муассасаларининг халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education, Academic Ranking of World Universities) рейтингидagi тиббиёт йўналишида биринчи 200 ўринни эгаллаган олий таълим муассасаларида клиник ординатура (резидентура) ва магистратура мутахассислигини тамомлаган, шунингдек, фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) илмий даражасини олган ходимларни лавозим мошига куйидаги миқдорда ҳар ойлик кўшимча устама тўланади:

клиник ординатура (резидентура) ва магистратура мутахассислигини тамомлаган ходимга — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг етти бараварига тенг миқдорда;

фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) илмий даражасини олган ходимга — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг ўн беш бараварига тенг миқдорда.

Мазкур бандда назарда тутилган харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

5. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлиги ва Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси билан биргаликда:

а) уч ой муддатда жамоат саломатлиги ва санитария-эпидемиология назорати хизматлари соҳасида олий маълумотли кадрларни тайёрлаш бўйича алоҳида тиббиёт олий таълим муассасасини ташкил қилиш ва ўқув жараёнини 2020/2021 ўқув йилидан бошлашни назарда тутадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) 2021 йил 1 январга қадар: Н. И. Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети ҳамда Туркия Бахшишехир университетининг филиаллари ва клиникаларини Ўзбекистонда ташкил этиш юзасидан; мамлакатимиздаги тиббиёт олий таълим муассасаларида халқаро рейтингларга киритиш нўфузли хорижий тиббиёт таълим муассасалари билан ҳамкорликда кўшма таълим дастурлари асосида халқаро факультетлар, шунингдек, филиалларни очил юзасидан тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Вазирлик Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер ва Ақфа университетларини жалб қилган ҳолда ушбу университетлар ҳамда тиббиёт олий таълим муассасаларида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб соғлиқни сақлаш соҳаси учун менежер мутахассисларини (Master of Healthcare Administration) тайёрлаш бўйича магистрлик йўналишини жорий қилиш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга оширсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2020/2021 ўқув йилида соғлиқни сақлаш соҳаси учун 20 нафар менежер мутахассисни магистрлик йўналиши бўйича давлат гранти асосида тайёрлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш чораларини кўрсин.

7. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 августга қадар мутахассислик йўналишларида асосий ҳисобланган халқаро тан олинган муаллимларнинг адабиётлари, шунингдек, профилактика, диагностика ва даволашнинг замонавий усулларини қўлаш бўйича хорижий дарсликлари муаллимлик ҳуқуқлари талабларига риоя қилган ҳолда белгиланган тартибда ўзбек тилига таржима қилиш асосида тиббиёт олий таълим муассасаларининг бакалаврият, магистратура ва клиник ординатура ўқув дастурларини қайта кўриб чиқсин.

Бунда ушбу тадбирларни молиялаштириш Вазирлик ва тиббиёт олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси, Вазирлик ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 1 сентябрдан Нукус, Андижон, Бухоро, Самарқанд, Урганч ва Фарғона шаҳарларида жойлашган тиббиёт олий таълим

муассасаларида белгиланган тартибда фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражаларини берувчи илмий кенгашлар ташкил этиш тўғрисидаги тақлиф маъқуллансин.

9. Вазирликнинг: Тошкент врачлар малакасини ошириш институтини Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази (кейинги ўринларда — Марказ) этиб қайта ташкил этиш;

Тошкент шаҳридаги 1-сон Республика клиник шифохонаси негизда Марказнинг кўп тармоқли клиникасини тузиш; тиббиёт олий таълим муассасалари мавжуд бўлмаган ҳудудларда (Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган ва Сирдарё вилоятларида) ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт марказларида Марказнинг филиалларини очил;

Марказда 2021 йилги Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури маблағлари ҳисобидан халқаро стандартларга жавоб берадиган ўқув-симуляцион марказини ташкил қилиш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази тузилмаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки: Марказ Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Марказнинг кўп тармоқли клиникаси муассаси Марказ ҳисобланадиган ҳамда унинг фаолияти Марказ томонидан мувофиқлаштирилади;

Марказ директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари бир вақтнинг ўзида Марказнинг кўп тармоқли клиникаси бош шифокори ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Марказ фаолиятини ташкил қилиш бўйича Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

11. Узлуқсиз касбий тиббиёт таълимида тўпланадиган кредитлар ҳажми 4-иловага мувофиқ белгилансин.

12. Тиббиёт-санитария ва фармацевтика кадрларининг узлуқсиз касбий малакасини ошириш тизимида 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб аккредитациядан ўтмасдан, Вазирлик томонидан ҳар йили тасдиқланадиган ўқув дастурлари асосида ўқитиш ҳуқуқи куйидаги муассаса ва ташкилотларга тақдим этилсин:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ва пуллик асосда — республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, тиббиёт ва фармацевтика соҳасидаги илмий-тадқиқот институтлари ва ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт марказлари;

пуллик асосда — нодавлат тиббиёт олий таълим муассасалари ҳамда тегишли тиббиёт-санитария

мутахассисликлар бўйича ўқув-симуляцион маркази (шу жумладан, мобил ўқув-симуляцион марказ) ва илмий даражага эга мутахассислари мавжуд бўлган хусусий тиббиёт ташкилотлари.

Белгилансинки, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари, шу жумладан, бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами муассасалари ходимларининг узлуқсиз касбий малакасини ошириш мазкур бандда белгиланган муассаса ва ташкилотлар томонидан жойларда ташкил этиладиган сайёр циклар ва масофадан туриб ўқитиш асосида амалга оширилади.

Вазирлик узлуқсиз касбий малака ошириш тизимида тиббиёт ходимларини ўқитиш билан шуғулланадиган ташкилотларга юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда махсус ўқув курсларини ташкил қилишда яқиндан кўмаклашин.

13. Белгилан бўйича, 2021 йил 1 январдан бошлаб:

шифокорлар учун ҳар 5 йилда малака тоифасини олиш бўйича мажбурий аттестациядан ўтиш тартиби киритилади ҳамда уларга қўлайлик яратиш ва шаффоф ўтказилишини таъминлаш учун аттестацияни онлайн тартибда аудио ва видеокузатув остида ташкил этиш тизими жорий этилади;

бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами муассасалари тиббиёт ходимларини аттестациядан ўтказиш учун тўлов бекор қилинади.

14. Тиббиёт-санитария ва фармацевтика кадрлари учун малака оширишни назарда тутувчи узлуқсиз касбий таълим тизимини жорий этган тиббиёт олий таълим муассасалари (шу жумладан, нодавлат тиббиёт олий таълим муассасалари), республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва уларнинг филиаллари, илмий-тадқиқот институтлари, ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт марказлари ва нодавлат тиббиёт ташкилотларига малака оширишдан муваффақиятли ўтган мутахассисларга ўтилган ўқиш кредитлари кўрсатилган ҳолда Вазирлик томонидан белгиланадиган намунадаги сертификат расмийлаштириш ҳуқуқи берилсин.

15. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва кўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А. А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2020 йил 7 апрель



Аммо унинг муҳокамасида фаол қатнашган депутатлар, фракциялар аъзолари томонидан бир қатор фикр-мулоҳаза, эътирозлар билдирилиб, қонун лойиҳаси ташаббускорининг қатъий позициясини билмай туриб, қолаверса, Сенатнинг аниқ тақлифлари йўқлигини ҳисобга олиб, ушбу масалани мажлис кун тартибидан чиқаришни ҳамда юқори палата томонидан аниқ тақлифлар тақдим этилмагунча бу масалани муҳокама этмаслиқни тақлиф қилганди. Шу асосда, мазкур масала Қонунчилик палатасининг 30 мартдаги мажлиси кун тартибидан чиқарилган эди.

Мажлисида қонун кўмити томонидан ушбу қонун бўйича келишмовчиликларни бартараф этиш учун Олий Мажлис Сенатининг тақлифига кўра, келишув комиссиясини тузиш фикри илгари сурилди. Ўтган галги ялпи мажлисда депутатлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳаза, тақлиф ва эътирозларни мазкур келишув комиссияси доирасида атрафлича ўрганиб чиқилиб, ҳулоса таъбирлаш энг тўғри ва мақбул йўл экани билдирилди.

Ушбу тақлиф депутатлар томонидан маъқулланди ва парламент иккала палатаси вакилларидан иборат таркибда келишув комиссияси тузилди. Комиссияга қонун лойиҳаси бўйича келишмовчиликларни бартараф этиш вазифаси юкланди.

Барча процессуал жараёнлар видеода муҳрланади

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексидаги ўзгаришлар ва кўшимча киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда модда-модда муҳокама қилинди.

Киритилаётган нормалар билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ва судларга гумон қилинувчига, айбланувчига нисбатан ушлаб туриш, қамоққа олиш, уй қамоғи ёки экспертиза ўтказиш учун шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурият чораларини қўллагани ҳақида улларнинг оила аъзоларини ёқуд бошқа яқин кишиларини дарҳол хабардор қилиш мажбурияти юкланди.

Шу билан бирга, шахсни ушлаш, унга процессуал ҳуқуқларини тушунириш, ушлаш жараёнида ўтказиладиган шахсий тинтов ва олиб қўйиш, шунингдек, ҳимоячидан воз кечиш ҳаракатларини мажбурий тарзда видеоёзувга олиш шартлиги белгилаб қўйилляпти.

Мамлакат ривожига қонун устуворлиги билан кафолатланади

Шунингдек, лойиҳада шахсни ушлаш жараёнида видеоёзув қўлланилмаган тақдирда, давлат органи ходими ушланган шахсни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган биносига олиб келганидан сўнг, унга ҳуқуқларини видеоёзувга қайд қилган ҳолда тушунириши шартлиги оид қоида ҳам назарда тутилмоқда.

Халқ вакилларининг айтишича, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жамяятда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш маданиятининг шаклланиши, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фақат ва фақат халқ манфаати йўлида оғишмай хизмат қиладиган идораларга айланмишида муस्ताҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси қабул қилиниб, Сенатга юбориладиган бўлди.

Ер участкаси ноқонуний олиб қўйилмайди

Сўнги пайтларда жойларда ҳокимлик ва идоралар томонидан ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш борасида қатор қонунбузилиш ҳолатлари йўл қўйилгани сир эмас. Бундай хатти-ҳаракатлар оқибатида, фуқароларнинг ерга бўлган ҳуқуқлари поймол этилиб, шу ерларда жойлашган кўчмас мулкларининг дахлсизлигига путур етмоқда.

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, 1 244 ҳолатда кўчмас мулк объекти баҳоланмаган, 430 та кўчмас мулк объектига тегишли компенсация берилмаган ҳамда 846 ҳолатда кўчмас мулк объекти уларнинг мулкдорлари хабардор этилмаган ҳолда бузиб ташланган. Шунингдек, 1 388 ҳолатда мулкдорларни хабардор қилиш муддатли бузилган.

Бундан ташқари, ер участкаларининг давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши жараёнида мутаносиб компенсация тақдим қилинмаслиги натижасида жисмоний ва юридик шахсларнинг ерга бўлган ҳуқуқлари бузилаётгани мулк ҳуқуқи дахлсизлигига таъсир қилаётган асосий омил сифатида намён бўлмоқда.

Юқоридаги камчиликларнинг олдини олиш мақсадида мажлисда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Депутатларнинг қайд этишича, мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши ер участкасини олиб қўйиш тартибига риоя этмаган ҳамда бунинг оқибатида мулкдорларга зарар етказганлик учун жавобгарликни кучайтириш орқали жисмоний

Масалан, аввалбошида — фракциялар йиғилишларида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 128-моддасига киритилиши кўзда тутилган ўзгариш — тезкор ва махсус хизмат транспорт воситаларининг тўсиқсиз ўтиб кетишига ҳалақат қилинса, жариманинг амалдаги 5 баробар базавий ҳисоблаш миқдорини 10 баробаргача кўтариш, шу ҳолат тақдоран содир этилса, амалдаги 20 базавий ҳисоблаш миқдорини 25 баробарга кўтариш тақлифига кескин қарши чиқдилар.

Уларнинг фикрича, ташаббускорлар томонидан намуна қилиб келтирилган хорижий давлатларда тезкор ва махсус хизмат транспорт воситалари — тез ёрдам, ўт ўчириш, ҳуқуқбузарликни бартараф этиш мақсадида ҳаракатланаётган транспортлар учун йўлларнинг махсус қисмлари мавжуд. Мамлакатимизда йўл инфратузилмасини яхшилаб, етарлиқ шaroит яратмасдан, автойўлларни замонавий талабларга мослаштирмасдан туриб, ҳайдовчиларни жазолаш, жарималарни ошириш мақсада мувофиқ эмас. Қолаверса, жарималар миқдорини ошириш йўли билан муаммони ҳал этиб бўлмайди.

Кизгин кенган муҳокамаларда "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари фикрини қўллаб-қувватлаган бошқа депутатлар ҳам мазкур қонун лойиҳасини биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқуллаган бўлсалар-да, масаланинг айрим жиҳатларига жиддий эътироз билдирдилар. Хусусан, улар лойиҳа иккинчи ўқишда модда-модда кўриб чиқилиши жараёнида амалдаги жарима миқдорини ўзгариши шартли қолдириш лозим, деган қатъий фикрини илгари сурилди.

Лектин Қонунчилик палатаси Регламентага мувофиқ, дастлаб қонун лойиҳаси ташаббускори илгари сурган тақлиф — 128-моддасига киритилиши кўзда тутилган ўзгариш, яъни тезкор ва махсус хизмат транспорт воситаларининг тўсиқсиз ўтиб кетишига ҳалақат қилинса, жариманинг амалдаги 5 баробар базавий ҳисоблаш миқдорини 10 баробаргача кўтариш, шу ҳолат тақдоран содир этилса, амалдаги 20 базавий ҳисоблаш миқдорини 25 баробарга кўтариш тақлифи овозга қўйилди. У етарлиқ овоз тўплай олмайди ва қабул қилинмайди.

Шундан сўнг "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари томонидан фуқаролар манфаатини қўлаб, билдирилган тақлиф овозга қўйилди ва қабул қилинди. Шу тариқа жарима миқдори ўзгаришсиз қолди.

Асаларичилик ва экотуризмни ривожлантириш — муҳим вазифа

Депутатлар томонидан "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва кўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ҳам муфассал кўриб чиқилди.

Мазкур ҳужжатда Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, "Ўрмон тўғрисида"ги ва "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги қонунларига ўзгариш ҳамда кўшимчалар киритиш назарда тутилляпти.

Қайд этилганидек, қонун лойиҳаси ўрмон фонди ерларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, ўрмон ҳўжалиги давлат кўмитаси томонидан юридик ва жисмоний шахсларга инвестицион шартномалар ёки давлат-хусусий шериклик асосида ер участкаларини ижарага бериш масалаларини ҳуқуқий тартибга солиш учун зарур.

Таъкидланганидек, юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўрмон фонди участкаларига асалари оилалари лойиҳаларини амалга ошириш учун фойдаланилмаётган ўрмон фонди ерларини 49 йилдан кўп бўлмаган муддатларда тақдим этиш борасида ҳуқуқий асос яратилади.

Шунингдек, ўрмон фонди ҳудудида рекреацион зоналар ташкил этиш таомиллари соддалаштирилади, экотуризмни ривожлантириш учун имкониятлар пайдо бўлади.

Таълим-тарбия борасидаги мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда

Ҳар қандай мамлакатда тараққиётга эришишда таълим сифати, кадрлар са-

лоҳияти ва кучли тартиб-интизом ҳал қилувчи роль ўйнайди. Таълим-тарбияга қанчалик жиддий эътибор қаратилса, таълим берувчида ҳам, таълим олувчида ҳам масъулият шунча ортади.

Қонунчилик палатаси мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан батафсил кўриб чиқилар экан, масалага ана шу нуқтаи назардан ёндашилди.

Ушбу ҳужжат билан болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаганлик учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддасида жавобгарлик белгиланмоқда.

Қайд этилганидек, сўнги йилларда мазкур моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этиш ҳолатлари кўпайиб бормоқда. Шу муносабат билан, лойиҳада мазкур моддада белгиланган санкция миқдорларини ошириш тақлиф этилляпти.

Самарали таълим тизимини яратиш педагогик кадрларнинг жамяятдаги ўрнига бевосита боғлиқдир. Ўқитувчи мактабнинг юқори нуфузга эга эмаслиги, унинг ҳуқуқий ҳимояланмагани ҳамда фаолиятининг дахлсизлиги кафолатланмагани таълим сифатини жаҳон стандартлари даражасига кўтаришга имкон бермайди.

Бугунги кунда юртимизда олиб борилаётган таълим тизимини ислоҳ қилишга қаратилган сиёсатнинг асосий мақсадларидан бири ҳам шу.

Шундан келиб чиқиб, лойиҳада кодекс янги 197-модда билан тўлдирилмоқда. Яъни унда таълим муассасаси педагогик ходимининг таълим олувчига билганини тўғри ва ҳолис баҳолашга таъсир кўрсатишда ифодаланган унинг касбий фаолиятига аралашши, худди шунингдек, таълим муассасаси педагогик ходимининг хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш учун жавобгарлик ўрнатиш назарда тутилляпти.

Шу билан бирга, "Таълим тўғрисида"ги Қонун 301-модда билан тўлдирилляпти. Унда педагогик ходимларнинг касбий шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўси давлат ҳимоясида эканини, шунингдек, педагогик ходимларнинг касбий фаолиятига аралашши ҳамда ўқитувчиларнинг жамяятдаги маквеи ошишига ҳамда улларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга эришилляпти.

Парламент аъзоларининг фикрича, мазкур ҳужжатни қабул қилиш натижасида ота-оналарнинг бола тарбияси учун масъулиятини кучайтиришга, ўқитувчиларнинг жамяятдаги маквеи ошишига ҳамда улларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга эришилляпти.

Мажлисида қонун лойиҳаси юзасидан кизгин фикр-мулоҳазалар билдирилди ҳамда у концептуал жиҳатдан биринчи ўқишда қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Халқаро ҳамжамият Ўзбекистоннинг коронавирусга қарши курашиш бўйича тезкор чораларини қўллаб-қувватламоқда



— ИХТнинг фаол аъзоси бўлган Ўзбекистон Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида COVID-19 кенг тарқалишининг олдини олиш ва пандемия оқибатларига қарши самарали чоралар қўриш мақсадида миллий ва минтақавий миқёсда, хусусан, қўшни давлатлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб, фаолиятни мувофиқлаштириб келмоқда.

Шуниси эътиборга лойиқки, мамлакатда амалга оширилаётган чоралар доирасида ижтимоий-иқтисодий оқибатларни енгишда шифокор ҳамда тиббиёт ходимлари, шунингдек, кичик ва ўрта бизнесни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистоннинг саъй-ҳаракатлари эътирофга сазовордир.

Воқеалар ривожини бевосита мамлакат иқтисодидан кузатиш имконига эга бўлган хорижий давлатларнинг Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатлари ҳам ўзларининг ижобий фикрларини билдирди.

Жумладан, Фаластин давлатининг Ўзбекистон Республикасидagi Фавқулодда ва мухтор элчиси Муҳаммад Таршахани "Дунё" АА мухбирига берган интервьюсида аҳоли республика махсус комиссиясининг қарорларини қўллаб-қувватлаётганини таъкидлади. У одамларга мазкур инфекцияга қарши кураш тарғиботи содда ва тушунарли тарзда олиб

борилаётгани диққатга сазовор эканини қайд этди.



ушбу инфекциядан ҳимоя қилиш мақсадида одамлар кўп тўпланадиган жойларга боришдан тийилантириш, деди у.

Муҳаммад Таршахани Ўзбекистонда дипломатик корпус вакилларининг мамлакатдаги вазиятдан хабардор бўлиб туриши, улар хавфсизлигини таъминлаш бўйича зарур ёрдам кўрсатилаётгани учун миннатдорлик билдирди.

Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши бош қотиби Бағдат Амреев COVID-19 пандемияси билан боғлиқ баёнотида Ўзбекистоннинг юқумли касаллик тарқалган қўшни давлатларга қўрсатган биродарлик ёрдамини юқори баҳолади.

— Мушкул давр бўлишига қарамадан Туркий кенгашига аъзо давлатлар Европада эпидемия тарқалгани ҳақидаги хабардан сўнг дарҳол Венгрияга тиббий ёрдам қўрсатган илк мамлакатлар бўлди, — дейди Б. Амреев. — Озарбайжон, Ўзбекистон

ва Туркия Венгрияга дори-дармон, шу жумладан, бирламчи зарур тиббий ниқобларни етказиб берди. Венгрия ташқи ишлар вазири Петер Сийярто ўз баёнотида Туркий кенгашига аъзо давлатларга тезкор жавоб ва ёрдам учун самимий миннатдорлик билдирди.

Бош қотиб, шунингдек, Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан қардош халқларга ёрдам бериш мақсадида Қирғизистонга инсонпарварлик ёрдами жўнатилганини алоҳида таъкидлади.

Бундай вазиятда соғлиқни сақлаш соҳаси вакилларининг эътирофлари ҳам амалий аҳамиятга эга бўлиб, бир қатор чекловларни қабул қилишнинг самарадорлиги ва зарурлигига бўлган ишончини кучайтиради.

Париж тиббиёт академияси фахрий президенти ва академиги Эммануэл Алэн Кабанис таъкидлаганидек, Ўзбекистон ва Франция, афсуски, коронавирус инфекциясининг кириб келиши ва тасйирдан четда қолмади. Шу боис айрим чекловлар, яққалаш тартибини жорий этиш, ташхис қўйиш ва даволаш билан боғлиқ қатъий чоралар қўрилишига тўғри келди.

— Ўзбекистонда карантин зонасини фойдаланишга топшириш ишлари рекорд даражада, қисқа муддатларда амалга оширилмоқда, — дейди парижлик мутахассис.



Фуқаролар соғлигини сақлаш ва беморларни даволашда муҳим бўлган юқумли касалликлар шифохоналарини қуриш ишлари жадал давом эттирилаётгани яна бир муҳим жиҳат эканини таъкидлашни истардим. Ўзбекистоннинг 300 мингга тезкор тест тизими ва ўпкани сунъий шамоллатиш 500 та мосламасини харид қилиши, аҳоли пунктларида кўча лабораториялар ташкил этилиши ва малака ошириш учун чет эллик мутахассислар жалб қилиниши, шунингдек, кунлик ишлаб чиқарилаётган тиббий ниқоблар ҳажмининг 5 миллион донага етказилиш долзарб масалаларни ҳал қилишида аниқ ва тезкор ёндашувлар мавжудлигини кўрсатди. Афсуски, бугун ақсарият давлатлар ана шундай хавфга ўз вақтида жавоб қайтара олмапти. Буларнинг барчаси Ўзбекистон раҳбарининг фуқаролар хавфсизлиги ва соғлигини таъминлаш масалаларига юқори даражада эътибор билан ва маъсулиятли ёндашаётганини яна бир бор тасдиқлайди.

Э. Кабаниснинг фикрига кўра, бой тарихга эга, исми жаҳон тиббиёт тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилган буюк мутафаккир ва олим Абу Али ибн Сино авлодлари ушбу қийин синовга бардош бера олади ва коронавирус тарқалишига қарши курашда мамлакат раҳбарияти қабул қилаётган чоралар ва саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлайди.

«Дунё» АА.

Лоқайд ва бепарво бўлиш бизга умуман ярашмайди



Жумладан, аҳолиси зич, қўшнлари билан савдо алоқалари ўрта ривожланган бўлишига қарамадан, Япония вируснинг кенг тарқалишига йўл қўймади.

Мутахассислар "япон феномени"ни улардаги ўзига хос саломлашиш, шахсий масофани сақлаш, тез-тез кийим алмаштириш, юз-кўлни ювиш, тўла ювиниш, тўғри овқатланиш, фол турмуш тарзи ва спорт каби 13 та қоида ва урф-одатлар сақлиниб қолгани билан асослаётгани эътироф этилди.

Шу ўринда коронавирус инфекциясидан қўшнларини шарти халқимиз миллий қадриятлари билан уйғунлигини таъкидлаш жоиз. Яъни тозалikka, саранжом-сарихталikka, озодалик ва покликка, соғлом турмуш тарзига амал қилиш кифоя. Шу билан бирга, карантин шароитида эълон қилинган тартиб-қоидаларга қатъий риоя этишимиз шарт.

Хозирги кунда мутахассислар биздан уйда қолишни, масофадан туриб ишлашни, ўта заруратсиз кўчага чиқмасликни, шахсий гигиена қоидаларини бузмасликни, фарзандларимизнинг уйда туриб онлайн сабоқ олишларини ва бошқа фойдаланувчилар билан шуғулланишларини тавсия қилишмоқда. Шундай экан, давлатимиз томонидан халқ саломатлиги йўлида шунча саъй-ҳаракатлар қилинаётган бир вақтда, кўрсатма ва тавсияларга амал қилмаслик, шаҳсий гигиена қоидаларини бузмасликни, фарзандларимизнинг уйда туриб онлайн сабоқ олишларини ва бошқа фойдаланувчилар билан шуғулланишларини тавсия қилишмоқда.

Шундай экан, давлатимиз томонидан халқ саломатлиги йўлида шунча саъй-ҳаракатлар қилинаётган бир вақтда, кўрсатма ва тавсияларга амал қилмаслик, шаҳсий гигиена қоидаларини бузмасликни, фарзандларимизнинг уйда туриб онлайн сабоқ олишларини ва бошқа фойдаланувчилар билан шуғулланишларини тавсия қилишмоқда.

Бугунги синовли дамлардан соғ-омон, талафотсиз ўтиб олишимиз, энг аввало, ўзимизга боғлиқ. Аслида, биздан кўп нарса талаб қилинаётгани йўқ, фақат карантин қоидаларини бузмаслик, уйда бўлишимиз сўралмоқда, холос. Аммо айримларимиз мана шу оддий тартиб-қоидага менсимаямиз ёхуд инфекция тарқалиши қандай фожали оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тушуниб етмаямиз. Интизомга риоя қилмай, ўзимиз ва яқинларимиз соғлигини, қолаверса, бутун жамиятни жиддий таҳдид остига қўймоқдамиз.

Президентимиз видеоселектор йиғилишида талаба ва ўқувчи ёшларга ҳам алоҳида муурожаат қилиб, фарзандларимизнинг уйда вақтларини бекор ўтказмасликка, онлайн дарсларни кунт билан ўзлаштириш, китоб ўқиш, билимларини ошириш, бадантарбия ва жисмоний

машқларни бир кун ҳам қолдирмасликка даъват этди.

Албатта, бу ўринда ҳам асосий маъсулият ота-она зиммасига тушади. Зеро, бугун ота-онани эзмидан чиқмай, уйда ўтирса ҳам фойдали юмушлар билан банд бўлаётган ёшларимиз жуда кўп эканлигидан яхши хабардоримиз. Шу ўринда беш муҳим ташаббусни амалга ошириш учун ҳозир керагидан ортиқ имконият борлигини айтиш жоиз. Хусусан, ёшларимизнинг китобхонликка иштиёқини ошириш, уларда ашхрот технологиялари ва интернет тармоғидан тўғри фойдаланиш қўникмаларини шакллантириш, муносиқ ва санъат билан машғул бўлиш, ёшларимиз, айниқса, қизларимизга тикувчилик, чеварчилик, қасаначилик каби хунарларни ўргатиш, соғлом турмуш тарзига қўниктириш учун етарлича вақт бор. Бунинг учун фақатгина ота-оналар, нуроний боло-бувилар озгина жон қойтасан, бас.

Қолаверса, уйимизни, маҳалламизни, аτροφ-муҳитни озода қилиш, санитарияга риоя қилиш ҳам бугунги кунда юртда муҳимдир. "Озодалик ва орасалик олижанобликнинг ўзагидир", деган эди буюк аллома Беруний. Олижаноблик бугунги мураккаб вазиятда қатъий тартиб-интизомда намоён бўлмоқда. Шундай экан, ёшларни ҳам тартиб-интизомга ўргатайлик, улар онгига бу борадаги қадриятларимизни чуқур сингдирайлик.

Халқимизда "Карс икки қўлдан чиқади", деган пурмаёно мақол бор. Бугун халқимизни ушбу қўринмас офатдан асраш йўлида барча зарур чоралар амалга оширилмоқда. Демак, бунга жавобан биз ҳам жипслашиб, бир мушт бўлиб, белгиланган тартиб-таомилларга риоя қилиб, ўз бурчимизга маъсулият билан ёндашимиз, сабр-тоқатли бўлишимиз зарур.

Зеро, коронавирус пандемияси бутун қурура заминни қамраб олиб, минглаб инсонлар умрига зомин бўлаётган бир вақтда, ўзимизнинг, оиламиз, яқинларимиз ва миллатимизнинг соғлиғига, юртимизнинг тинчлигига бефарқ қарашга ҳеч биримизнинг ҳақимиз йўқ. Унутмайлик, карантин қоидаларини бузиш бошқа инсонлар ҳаётига даҳл қилиш билан баробар.

Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

Карантиндан қочиб, қаерга борамиз?

Коронавирус пандемияси бутун дунё ҳамжамиятини ларзага солишда давом этмоқда. Бугунги кунда барча давлат ва ҳукуматлар раҳбарларининг кун тартибидagi асосий вазифа пандемияга қарши самарали курашни ташкил этиш орқали унинг кенг тарқалишининг олдини олиш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, нарх-навоми барқарор ушлаб туриш, ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларни ва иқтисодиётнинг қон томири бўлган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш этиб белгиланган.

Фикр

Таассуфки, одамларнинг тиббий чораларга маъсулиятсизлиги ва пандемияга қарши курашиш ишларининг тўғри ташкил этилмагани оқибатида дунёнинг энг ривожланган давлатларида ҳам аянчли ҳолатларга гувоҳ бўлмоқдамиз.

Президентимиз томонидан эпидемиологик вазиятни яшилтириш ва аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш бўйича барча чораларни ўз вақтида амалга оширилмоқда. Охириги бир ойда Президентимизнинг пандемиянинг иқтисодиётимизга салбий таъсирини юмшатиш ва аҳоли қатламларини муҳофаза қилишга қаратилган, кенг қамровли учта Фармони, бир нечта қарори қабул қилинди.

Хўш, биз фуқаролар Президентининг, Ҳукуматнинг жон қийдириб, қўллаётган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаб, муносиб ҳисса қўша олаёмизми?

Минг афсуски, олиб борилаётган тушунириш ва огоҳлантириш ишларига қарамай, баъзи фуқаролар вируснинг қанчалик хавфли эканини тушуниб етмаяпти, республика махсус комиссияси қарор ва талабларига маъсулиятсизлик билан ёндашмоқда. Бўлмаса, карантин қоидаларини бузиш, карантин ҳудудидан қочиб кетиш, оммавий тадбирлар ўтказиш ҳали ҳам давом этаётганини қандай изоҳлаш мумкин?

Баъзи ҳолларда одамларнинг, жамият аъзоларининг ҳам бир-бирларига бўлган муносабати кишини уйлантириб қўймоқда. Бундай мураккаб вазиятда бир-бирига тасалли бериш ўрнига, кўнглини хира этадиган ишлар қилинапти. Афсуски, фуқароларимиз "карантин" сўзининг маъносини тўлиқ тушуниб етмаяпти.

Карантинда сақланаётган фуқаролар ва уларнинг оила аъзоларига "вируслар" деб ном қўйиб, маҳалла-қўйда уларнинг обрўсига путур етказиб, ноҳўя гаплар тарқатиш ҳолатлари ҳам учраб турмоқда. Ваҳолонки, бугунги кунда касаллик тарқалишининг олдини олиш учун 100 мингдан зиёд фуқаролар карантинга олинган. Фуқароларимиз каран-

тинга олиниш — бу инсон касалланган, деган маънони аниқлашнинг, фақатгина эҳтиёт чораларини олиш мақсадида муайян муддатга изоляция қилиш ҳолати эканини аллақачон тушуниб етиши керак эмасми?

Карантинда сақланаётган баъзи бир ношукр фуқаролар уларга давлатимиз томонидан барча шарт-шароит аъло даражада яратиб берилганига қарамадан, ноҳақ карантинга олинганликларини вақт ўтиши билан, фидокорона меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларига қўпол муносабатда бўлилаётган ҳолатлар ҳам учрамоқда.

Юқоридаги каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида касаллиги аниқланмасдан туриб, ноғўғри маълумот тарқатиб, инсонларнинг обрў ва шаънига путур етказувчи галамис кимсаларни, бугунги куннинг ҳақиқий қаҳрамонлари ҳисобланувчи шифокорларни ҳақорат қилувчи ношукр фуқароларни инсофга чақириб қоламан. Юқоридаги ҳолатлар содир этилиши қўлайган тақдирда, бундай фуқароларга нисбатан жазо чораларини қўллаш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблайман.

Шу ўринда бир мисол. Пойтахтдан вилоятга келишимиз чоғида самолётда биз билан йўловчилардан бирида корона-

вирус борлиги гумон қилиниб, карантинга олинди. Табиийки, ўша йўловчи билан бирга, бизни — бошқа йўловчиларни ҳам карантинга олишди. Мана, ўн беш кун биз ҳам карантинда бўлдик. Шўқир, ҳеч қандай вирус аниқланмади, хавф-хатар ўткинчи бўлиб чиқди.

Лекин карантин қоидаларини бузмадик, нима талаб қилинса, бўйсундик, аввало, буларнинг барчаси ўзимизнинг соғлиғимиз, хавфсизлигимиз учун эканини онгли равишда англаб турдик.

Ахир инсон карантиндан қочиб, қаерга боради? **Нодирбек ТИЛАОЛДИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

Депутатлар ўз сайловчиларига муурожаат билан чиқди



Масалан, депутат Гулрух Аъзамова ўз сайловчиларига шундай муурожаат қилди: "Жараёни яшилтириш учун Ҳукумат томонидан барча амалий чоралар қўрилди, катта маблағ мақсадли йўналтирилди, карантин талабларини бузган шахсларга нисбатан қатъий жавобгарлик белгиланди. Лекин уни тўхтатиш — сизнинг қўлингизда. Зеро, карантин муддатини қисқартириш ҳам, узайтириш ҳам ҳар биримизга боғлиқ".

Депутат Гулбахор Саидганиева япон халқи маданиятини мисол қилиб келтириш билан бирга, ўзбек халқининг азалий одатларидан бўлган қўлни кўксимизга қўйиб саломлашиш, ҳурмат маъносидан масофа сақлаш, қўлимизни доим ювиб юришимиз — буларнинг барчаси бугунги карантин талабларига ҳам мос келишини таъкидлар экан, ўз сайловчиларини шуларга амал қилишга чақирган.

Худди шундай Мақсуда Ворисова, Зулайхо Ақромова ва бошқа депутатларнинг муурожаатлари ҳам сайловчиларнинг қалбига етиб борадиган гапларнинг ўқиш мумкин.

Бу муурожаат ва чақириклар бежиз эмас. "Уйда қолинг!" деб тинимсиз даъват этилаётган бўлишига қарамадан карантин қоидаларини бузиб, қўчаларда сабабсиз юрган ёки одамларни қўйиб саломлашиш, ҳурмат маъносидан масофа сақлаш, қўлимизни доим ювиб юришимиз — буларнинг барчаси бугунги карантин талабларига ҳам мос келишини таъкидлар экан, ўз сайловчиларини шуларга амал қилишга чақирган.

Жараён



Тадбиркорлар, саховатпеша инсонлар томонидан бирламчи озиқ-овқат маҳсулотлари, турли антисептик воситалар, тиббий ниқоблар аҳолининг кам таъминланган қатлами, эҳтиёжманд оилалар, кекса ва ногиронлиги бўлган шахсларга ҳада қилинаётгани жамиятда соғлом муносиват, меҳр-оқибат ришталарини янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётгани айни ҳақиқат.

Президентимиз ташаббуси билан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги

ридан бўлган қўлни кўксимизга қўйиб саломлашиш, ҳурмат маъносидан масофа сақлаш, қўлимизни доим ювиб юришимиз — буларнинг барчаси бугунги карантин талабларига ҳам мос келишини таъкидлар экан, ўз сайловчиларини шуларга амал қилишга чақирган.

Худди шундай Мақсуда Ворисова, Зулайхо Ақромова ва бошқа депутатларнинг муурожаатлари ҳам сайловчиларнинг қалбига етиб борадиган гапларнинг ўқиш мумкин.

Бу муурожаат ва чақириклар бежиз эмас. "Уйда қолинг!" деб тинимсиз даъват этилаётган бўлишига қарамадан карантин қоидаларини бузиб, қўчаларда

сабабсиз юрган ёки одамларни қўйиб саломлашиш, ҳурмат маъносидан масофа сақлаш, қўлимизни доим ювиб юришимиз — буларнинг барчаси бугунги карантин талабларига ҳам мос келишини таъкидлар экан, ўз сайловчиларини шуларга амал қилишга чақирган.

Дастлаб унчалик эътибор берилмаган бўлса-да, тинимсиз олиб борилаётган тушуниришлардан кейин вазият ижобий томонга ўзгараётганини кузатиш мумкин. Ушбу муурожаатларга жавобан минглаб сайловчиларнинг яқдиллик билан муносабат билдири бошлагани — фикримиз далили.

Депутатларнинг муурожаатларидан тароқ-муддоа ҳам аслида шу эди.

«Халқ сўзи».

Эзгулик — буюк куч

Ўзгаларга меҳр-муруват кўрсатиш, йиқилганини суяш, эҳтиёжмандларга ёрдам қўлини чўзиш — бағрикенг халқимизнинг азалий қадрияти. Ана шундай эзгу фазилатлар бугунги синовли кунларда яна бир бор намоён бўлаётгани ҳар биримизнинг дилимизни равшан этмоқда.



касаликнинг кенг тарқалиб кетмаслиги учун барча чора-тадбирлар қўрилади, — дейди Яқсарой туманида истикомат қилувчи Валентина Новикова. — Айниқса, халқимизнинг бошига тушган мана шундай оғир кунларда ҳам биз, кексаларга ҳамхўрлик кўрсатилаётгани қалбимизга қувонч, хонадонларимизга нур олиб кирди, эртанги кунга ишончимизни янада мустаҳкамлади. Саҳий инсонлар ҳам умридан барака топсин. Бизга берганлари ўзларига ўн бўлиб қайтсин.

Эзгулик — буюк куч. Ўзаро меҳр-оқибат, муруват ҳаётини янада мазмунли қилади. Инсонларни бирлаштиради, нурули манзилларга ундайди. Зеро, Президентимизнинг коронавирус билан боғлиқ вазият бўйича халқимизга муурожаатда таъкидланганидек, ҳаммамиз янада жипслашиб, сабр-матонатли бўлсак, шифокорлар тавсияларига тўлиқ амал қилсак, албатта, бу офатни тезкор енгиб ўтамиз!

Дилшоҳ КАРИМОВ («Халқ сўзи»).

Ҳосан ПАЙДОЕВ ва Носир ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

Даъват

Уйда қолинг, уйда — дафи балодур...

Бир вирус дунёни ларзага солди, Ҳаловат-да кетди, тинчлик йўқолди, Ҳайратда одамзод қайғуда қолди, Уйда қолинг, уйда — дафи балодур...

Қатъий интизомдир бунинг чораси, Узоқмас ғалаба кунлар ораси, Ундаи "қўринмас ёв"нинг қораси, Уйда қолинг, уйда — дафи балодур...

Барчанинг дилида шу тилак ҳар дам, Синолда билинар ҳар битта одам, Сабру қаноатда ҳикмат бир олам, Уйда қолинг, уйда — дафи балодур...

Аллоҳ қўллағайдир, етар бардошим, Бизга раҳнамодир одил Юртбошим, Бу йўлда қари ҳам, ёш ҳам йўлдошим, Уйда қолинг, уйда — дафи балодур...

Ўзини асраган юзни асрайди, Улар юз минг қора қўзни асрайди, Барчаси халқимни — бизни асрайди, Уйда қолинг, уйда — дафи балодур...

Нодир ЖУМАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 46 292 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.